

ҚҮПНИИНГ ДУОСИ

Күп хонадонли уйларни қуриш осон бўлмаганидек, улардан фойдаланиш ва сақлашнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор-да, – дейди Ҳамдам Раҳмонов. – Бу борада бизнинг омадимиз чопди. Қандай дейсизми? Ҳозир айтаман. Аввал, сизнинг дикқатингизни бир нарсага қаратмоқчиман. Бугунги кунда давлатимиз раҳбари мамлакатга кўпроқ чет эл сармоясини киритиб, саноатни ривожлантиришга эътборни қаратмоқда. Чунки, қаердаки саноат ишлаб-чиқариши катта миқёсларда йўлга қўйилган бўлса, одамларнинг турмуши ҳам чиройли кечаркан. Буни навоийликлар ўз ҳаётларидан билишади.

Хабарингиз бор, кейинги ўн-ўнбеш йил берисида республикамиздаги шаҳар ва туман марказларида қурилган кўп хонадонли уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилгани боис уларнинг аҳволи “оғирлашиб” қолган эди. Яхшиямки, кейинги икки йил орасида бу касалликнинг кескин чоралари кўрилди. Биринчи навбатда мамлакатдаги тураржойларга масъул ташкилот – Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилди. Бундан бўёнги ишлар шу вазирлик тизимидағи ходимларнинг қанчалик жон койитиб меҳнат қилишларига боғлиқ.

Ана энди навоийликларнинг ўша ўтган йиллардаги чопган омадлари ҳақида айтиш ўрни келди. Ҳа, аллома бобомиз номи билан юритилувчи шаҳардаги аксарият кўп хонадонли тураржойлар ўша турғунлик деб аталаётган

йилларда бошқа жойлардаги каби ачинарли аҳволга келиб қолмади. Бунинг асосий сабаби, бу уйларнинг аксарияти Навоий кон-металлургия комбинати тасарруфида бўлганлигидир. Албатта, шаҳримиздаги кўп қаватли уйларнинг чиройли, шинам сақланишида вилоят ҳокимиётининг ҳам ҳиссаси катта. Мен ўша пайтлари вилоят ҳокимлигига қарашли уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасида бўлим бошлиғи вазифасида ишлардим. Бошқармада Шароф Бобоқулов муҳандис эди. Ҳозир нафақада. Қаерга борса, мен муҳандисман деб қараб ўтирасди. Дарров ишга киришиб кетарди. Пайвандлашми, сантехниками – ҳамма иш қўлидан келарди. Шароф ака каби қўли гул усталар туфайли уй-жойларга хизмат кўрсатиш енгил кўчарди. Энг муҳими, биласизми нима, оптимизда бой ташкилот – Навоий тоғ-кон металлургия комбинати турарди. Яъни маблағ бор эди. Демоқчиманки, йўқни бор қилиш бир сари, уни авайлаб-асраш яна бир сари. Ҳаммаси маблағга боғлиқ. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари мамлакатга чет эл сармояси киритишни биринчи галдаги вазифа, деб таъкидламоқда.

Энди, вилоятдаги тураржойларнинг бугунги ҳолати қандай, уларнинг аҳволидан ким хабар оляпти, деб сўрашингиз мумкин. Эндиликда ҳам асосий уй-жой фонди комбинат тасарруфида. Аммо вазирлик ташкил этилгандан сўнг Навоий шаҳридаги мавжуд уй-жой ширкатларининг фаолиятини жонлантириш, янгиларини



ташкил этишга киришилди. Ҳозирда шаҳардаги 500 дан ортиқ кўп қаватли уйлар уларнинг ихтиёрида. Мазкур тураржойлардан фойдаланиш ва уларни сақлаш борсида зарур чора-тадбирлар белгиланган. Режага киритилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида вилоят бўйича жами 11814,2 млн. сўм (шундан, 1446,7 млн. сўм вилоят маҳаллий бюджет, 1446,7 млн. сўм Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, 788,6 млн. сўм тижорат



банклари томонидан ажратиладиган кредит маблағлари ҳамда 1909,9 млн. сўм хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатлари ҳисобидан) маблағлар сарфланиши режалаштирилган. 2018 йилда 615 та кўп қаватли уйнинг 106,8 минг кв м том қисмини мукаммал ва жорий таъмирлаш режалаштирилган эди. Шундан мукаммал таъмирланадиган 124,7 минг кв м ҳамда жорий таъмирланадиган 48,5 минг кв м том қисмлари тўлиқ таъмирланди.

Шу билан бир қаторда, уйларнинг кириш йўлакларини таъмирлаш ишлари белгиланган бўлиб, уларга темир эшиклар ва қулфлар ўрнатиш ишлари ҳам тўла бажарилди. Барча козирёклар, тарновлар, электр тақсимловчи шитлар талаб даражасида таъмирдан чиқарилди. Кўп қаватли уйларнинг ертўла қисмидаги муҳандислик коммуникациялари реконструкция қилинди.

Кўп қаватли уйларнинг олдидағи болалар майдончаларини доимий равища тоза ва озода тутиш, болаларнинг ўйнаб-кулиб дам олишларини таъминлаш мақсадида 125 та майдонча таъмирланди, 44 та болалар майдончалари янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди.

Юқоридаги каби ишлар 2019 йилда ҳам давом эттирилмоқда. Ахир тирик жон-да. Баъзан электр тугмачасини шундай боссангиз лампочкангиз “чирқ” этади-да, ўчиб қолади. Шунга ўхшаб тураржойларни доимий равища таъмирлаб бормасангиз тезда бутунлай тўкилиб қолади. Жорий йилдаги чора-тадбирлар режасига киритилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида вилоят бўйича жами 35,4 млрд. сўм (шундан, 1,4 млрд. сўм вилоят маҳаллий бюджети, 1,4 млрд. сўм Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, 1,9 млрд. сўм тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредит маблағлари ҳамда 3,8 млрд. сўм хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатлари ҳамда 26,2 млрд. сўм НКМК ДК ҳисобидан) маблағлар сарфланиши режалаштирилган.

Ана шу маблағлар ҳисобидан 752 та кўп қаватли уйнинг 195,6 минг кв. м том қисмини мукаммал ва жорий таъмирлаш режалаштирил-



ган. Бундан ташқари бажариладиган ишларни ҳам белгилаб олғанмиз. Шу жойда вилоят Уй-жой коммунал хизмат күрсатишиш бошқармаси ҳузурида "Таъмирлаш-тиклаш хизматы" ДУКнинг фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтишни истардим.

Корхонанинг асосий вазифалари этиб, кўп хона-донли уй-жой фондининг уй ичидаги муҳандислик коммуникациялари ва умумий фойдаланиладиган жойларни ўз вақтида ва сифатли таъмирлаш, шунингдек, кўп хона-донли уй-жой фондига туташ худудларда болалар ва спорт майдончалари ташкил этган ҳолда, ободонлаштириш ишларини амалга ошириш белгиланган. Юқорида бажарилган ва ҳозирда амалга оширилаётган ишларнинг асосий қисми ана шу ташкилот зиммасига тӯри келади.

Боя айтганимдек, вилоятда ичимлик суви муаммоси бошқа жойларда бўлганидек, бизда ҳам асосий масалалардан ҳисобланади. Кечаги кунгача вилоят аҳолисининг марказлашган ичимлик сув билан таъминлаш даражаси бор-йўғи 53,2 фоизни ташкил этарди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги

ПҚ-3507-сонли қарорига асосан "Тоза ичимлик суви" жамғармаси ва маҳаллий бюджетнинг 42914,2 млн.сўм маблағлари ҳисобидан 2018 йилда вилоятимизда 10 та ичимлик суви таъминоти объексларида 58,6 км ичимлик сув тармоқлари ва 2 та ичимлик суви иншооти қурилди, 15,9 км ичимлик сув тармоқлари реконструкция қилинди ва 2 та сув иншооти капитал таъмирланди. Натижада 15 та аҳоли пунктида яшайдиган 42 754 та аҳоли марказлашган ичимлик суви таъминотига уланди ва 22 968 та аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланди, ёки вилоят аҳолисини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 53,2 фоиздан 61,8 фоизга ошиди. "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастур-

лари доирасида қурилиши режалаштирилган ичимлик суви ва оқава сув объектларига ҳам маблағлар йўналтирилмоқда.

Гап тоза ичимлик суви ҳақида кетар экан, бугунги кунда 1м³, яъни 1000 л тоза ичимлик сувининг нархи 975 сўмдан аҳолига етказиб берилмоқда, бу эса, ўз навбатида, 1 литр сув нархи 1 сўмга яқин эканлигини билдиради. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоизки, бозорларимизда сотилаётган 1л тоза ичимлик сувининг нархи 1 500 сўм эканлигини инобатга олсан, биз етказиб бераётган тоза ичимлик суви жуда ҳам арzonлигини кўришимиз мумкин. Сувнинг қадрига етиб, уни исроф қилмаслигимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12-13 марта кунлари Навоий вилоятига ташрифи чоғида коммунал хизмат ходимлари учун ҳам вазифалар қўйилди. Жумладан, берилган топшириқлар ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши вазирлигининг жорий йилнинг 26 марта даги кўшма қарорига асосан Навоий-кон металлургия комбинати давлат унитар корхонаси тасарруфидаги Навоий ва Зарафшон шаҳарлари ҳамда Учқудуқ туманидаги кўп қаватли уйларни хатловдан ўтказиш, ичимлик ва оқава сув қувурлари ҳамда маҳсус техника воситалари, канализация тизимларини тўлиқ хатловдан ўтказган ҳолда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши вазирлиги бошқарувига ўтказиш ишлари белгилаб олинган. Кўриниб турибидики, вилоят коммуналчилари учун қизғин ишлар энди бошланади. Кўпнинг дуосини оладиган кунлар энди келади...

**Ҳамдам РАҲМОНОВ,
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши вазирлиги Навоий вилоят бошқармаси
бошлиғининг ўринбосари**

